

Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сонли, 2023 йил 20 июндаги “Маъмурий ислохотлар доирасида сув хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-101-сонли фармонлари, 2021 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5055-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17-сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига доир айрим қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида”ги 573-сонли, 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарорлари ҳамда Сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 23 июндаги 91-сонли буйруғи асосида ишлаб чиқилган.

I боб. Умумий қоидалар

1.1. Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази (*кейинги ўринларда – “Марказ” деб юритилади*) давлат муассасаси ҳисобланиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, (йиғилиш баёнлари) топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, (йиғилиш баёнлари) топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири буйруқларига, вазирликнинг ҳайъат қарорларига, вазирликнинг кенгайтирилган йиғилиш қарорларига, шунингдек, мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

1.2. Марказнинг фаолияти белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Сув хўжалиги вазирлиги (*кейинги ўринларда – “Вазирлик” деб юритилади*) томонидан мувофиқлаштирилади.

Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига бўйсинади.

1.3. Марказнинг фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Марказ ўз фаолиятига юридик ва жисмоний шахслар билан тузиладиган шартномалар, грант, шу жумладан хорижий грант маблағларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан маблағлар жалб этиши мумкин.

1.4. Марказ мустақил юридик шахс бўлиб, давлат тилида ташкилотнинг тўлиқ номи ва Ўзбекистон Республикаси Давлат герби акс эттирилган муҳрга

ҳамда банк муассасаларида ҳисоб рақамларига, мулкларга ва мустақил балансга эгадир.

1.5. Марказ банк муассасаларида бошқа ҳисоб рақамларни ҳам очиши мумкин.

1.6. Марказнинг расмий номланиши:

а) давлат тилида:

тўлиқ – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги “Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази”, қисқартирилган номи – АТРМ;

б) рус тилида:

тўлиқ – “Информационно-аналитический и ресурсный центр” Министерства водного хозяйства Республики Узбекистан қисқартирилган номи – ИАРС;

д) инглиз тилида:

тўлиқ – “Information-Analytical and Resource Centre” Ministry of Water Resource of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи – IARC.

1.7. Марказнинг жойлашган манзили (почта манзили): 100128, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси, 1-А уй, 4-қават.

II боб. Марказнинг вазифалари ва функциялари

2.1. Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Вазирликни сув хўжалиги соҳасига оид ахборот ва таҳлилий маълумотлар билан таъминлаш ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича таҳлилий ҳужжатлар, таклифлар, лойиҳаларни тайёрлаш, шунингдек, уларни амалга оширишда қатнашиш;

сув хўжалиги соҳасида ахборот тизимларини бошқариш ва ривожлантириш, соҳага замонавий ахборот технологияларини татбиқ қилиш асосида сув хўжалигига доир маълумот ва электрон ахборот ресурсларини яратиш ҳамда уларни такомиллаштириш;

Вазирлик ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, сув масалалари бўйича халқаро ташкилотлар ва лойиҳаларда вазирлик иштирокини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш;

сувдан самарали фойдаланишни тарғиб қилиш, малака ошириш ва саводхонлик ишларини ҳамда соҳада фаолият юритаётган ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш ишларини ташкил этишда вазирликка кўмаклашиш;

соҳада сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш ва уларни амалга оширишга кўмаклашиш.

2.2. Марказ ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) Вазирликни сув хўжалиги соҳасига оид ахборот ва таҳлилий маълумотлар билан таъминлаш ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича таҳлилий ҳужжатлар, таклифлар, лойиҳаларни тайёрлаш, шунингдек, уларни амалга оширишда қатнашиш соҳасида:

сув хўжалиги масалалари бўйича ахборотларни таҳлил қилиш асосида маълумотларни тайёрлаш ҳамда сув ресурсларини бошқаришни

такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

сув ресурсларини бошқариш ва сувдан фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, гидротехника иншоотлари ва давлат насос станцияларининг техник ҳолати ҳамда улардан фойдаланишга доир ахборотларни таҳлил қилиш орқали маълумотлар тайёрлаш;

хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларини ўрганиш натижалари асосида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш ҳамда сув хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича тегишли таҳлилий ҳужжатлар ва таклифларни тайёрлаш;

сув хўжалигида инновацион ва ресурстежамкор техника ва технологиялар ҳамда услубларни татбиқ қилишга оид таклифлар ва маълумотларни тайёрлаш;

сув ресурсларини бошқариш, гидротехника иншоотлари ва давлат насос станцияларини эксплуатация қилиш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, сув ресурсларидан фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалалари бўйича таклифларини ишлаб чиқиш ва бу борадаги лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш;

сув хўжалиги соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштиришда иштирок этиш;

б) сув хўжалиги соҳасида ахборот тизимларини бошқариш ва ривожлантириш, соҳага замонавий ахборот технологияларни татбиқ қилиш асосида сув хўжалигига доир маълумот ва электрон ахборот ресурсларини яратиш ҳамда уларни такомиллаштириш борасида:

сув хўжалиги соҳасидаги мавжуд ахборот тизимларини бошқариш ва ривожлантириш;

шартнома асосида сув хўжалигига доир ахборот ресурсларини, жумладан, дастурий таъминотлар, мобил иловалар, маълумотлар базалари, веб саҳифалар ва бошқаларни яратиш ҳамда уларни такомиллаштириш;

сув хўжалиги тизимининг барча бўғинларида илғор ахборот технологияларини татбиқ қилиш асосида ахборот ва маълумотлар алмашишни йўлга қўйиш, сув хўжалиги объектларини автоматлаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда қатнашиш;

геоахборот тизимларидан фойдаланилган ҳолда сув хўжалигининг рақамли хариталар базасини яратиш ва такомиллаштириш;

д) Вазирлик ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, сув масалалари бўйича халқаро ташкилотлар ва лойиҳаларда вазирлик иштирокини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш соҳасида:

Вазирликка унинг сув масалалари бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятидаги иштирокида амалий ёрдам кўрсатиш;

Вазирликнинг минтақа давлатлари билан трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича ҳамкорлигини ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон ва вазирлик аъзо бўлган халқаро ташкилотлардаги самарали иштирокини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш;

Вазирликнинг сув хўжалиги соҳасидаги Халқаро Конвенсияларига ва бошқа ҳужжатларга аъзолик бўйича мажбуриятларини бажарилиши ва ҳамкорликни ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

республикада ва хориждаги, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг ахборот-таҳлил ва тадқиқот марказлари билан сув хўжалигига доир масалалар юзасидан ҳамкорлик қилиш;

Вазирликнинг сув хўжалигини ривожлантириш бўйича грант лойиҳаларни жалб қилиш ва улардаги вазирлик иштирокини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш;

сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда илғор тажрибалар ва технологияларни ўрганиш, билимлар алмашиш, уларнинг салоҳиятидан фойдаланиш ва ресурсларини жалб қилиш ишларида иштирок этиш;

сув хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган халқаро ва донор ташкилотлар ҳамда улар томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар билан ҳамкорлик қилиш, улар томонидан амалга оширилаётган лойиҳа ва тадбирларда қатнашиш ҳамда самарали ташкил этиш бўйича тегишли таклифларни тайёрлаш;

э) сувдан самарали фойдаланишни тарғиб қилиш, малака ошириш ва саводхонлик ишларини ҳамда соҳада фаолият юритаётган ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш ишларини ташкил этишда вазирликка кўмаклашиш соҳасида:

республикада сувдан самарали фойдаланишни тарғиб қилиш, шунингдек, семинар, тренинг ва турли курсларни ташкил этиш;

сув хўжалиги ходимларининг касбий малакасини ошириш ишларини ташкил этиш, шу жумладан бу борада донор ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

сув хўжалигига доир маълумотнома, ахборотнома, қўлланма, китоб, кўргазмали материаллар ва шу каби бошқа нашрларни тайёрлаш ҳамда уларни оммалаштириш;

сув ресурсларини бошқариш, сувдан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, гидротехник иншоотларни эксплуатация қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги соҳасидаги замонавий илғор тажрибалар ва технологияларни қўллаш ва татбиқ этиш борасида сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларнинг саводхонлигини ошириш ишларда кўмаклашиш;

ф) соҳада сувни тежайдиган суғориш технологияларни жорий қилиш ва уларни амалга оширишга кўмаклашиш соҳасида:

хорижий давлатларни сув тежовчи технологияларни қўллаш борасида илғор тажрибаларини ўрганганиш ва уларни амалга оширишда кўмаклашиш;

сув тежовчи технологиялар бўйича соҳа мутухассисларининг малакасини ошириш ишларига кўмаклашиш;

сув тежовчи замонавий технологиялар ва илғор тажрибаларни кенг татбиқ қилишда вазирликка кўмаклашиш;

сув тежовчи технологияларни тарғиб қилиш ва мазкур соҳага доир семинарлар, тренинглар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш бўйича ўтказиладиган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб боришда вазирликка кўмаклашиш;

сув тежовчи технологиялар ва услубларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

сув тежовчи технологиялар бўйича китоб, қўлланма, кўргазмали материаллар ва шу каби бошқа нашрларни тайёрлаш, чоп этиш ҳамда уларни оммалаштириш.

Марказ ўз ваколати доирасида бошқа вазифа ва функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

III боб. Марказнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

3.1. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

ушбу Низомда белгиланган вазифалар бўйича амалга ошириладиган ишларни режалаштириш;

Марказ томонидан чиқариладиган ҳужжатларни тўғри ва аниқ рўйхатдан ўказишни ҳамда беҳато иш юритишни ташкил этиш;

Марказ ходимларининг лавозим йўриқномаларини ва уларнинг бажарадиган вазифаларини тақсимлаш ҳамда уларни тасдиқлашни ташкил қилиш;

Марказда фаол ишлаган ходимларни рағбатлантириш ёки меҳнат интизоми бузганда ҳамда топширикни сифатсиз бажарган тақдирда уларга нисбатан тегишли чора кўриш бўйича таклифлар тайёрлаш;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан, жумладан сув хўжалиги тизим ташкилотларидан ўзига юклатилган вазифаларни бажариш ва ўз ваколатларига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни белгиланган тартибда олиш;

сув хўжалиги соҳаси бўйича семинар, тренинг, конференциялар ва шу каби бошқа анжуманларни ташкил этишда маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

ўзига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида белгиланган тартибда сув хўжалиги соҳасига доир илмий ва амалий тадқиқотлар, изланишлар ҳамда тажрибалар ўтказиш;

маҳаллий манбалар, хорижий инвестициялар ва бошқа манбалар маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган грант лойиҳаларда қатнашиш;

сув хўжалигига доир масалалар бўйича ўз ваколати доирасида юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан халқаро ташкилотлар, донорлар ва лойиҳаларга шартнома асосида хизмат кўрсатиш;

сув хўжалиги соҳасидаги янгиликлар, жараёнлар, илмий ва амалий ютуқлар, эълонлар, тавсиялар ва таклифларни ёритиш учун белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

сув хўжалиги масалалари бўйича тажриба ва кўргазмали материаллар, қурилмалар, стендлар, жиҳозлар ва участкалар ташкил этиш ҳамда улардан

фойдаланиш;

Ўзига юклатилган вазифалар ва функциялар ҳамда шартномалар билан зиммасига олган вазифаларни амалга ошириш учун зарур ҳолларда белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўриш, белгиланган тартибда ўз ходимларининг меҳнатини рағатлантириш.

Марказ қонунчилик ҳужжатларига кўра бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.2. Марказ:

Ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш;

Ўз фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига амал қилиш ва унинг талабларини бажариш;

Ўз ходимлари учун муносиб иш шароитини яратиш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш;

Вазирлик ва бошқа юқори турувчи органларнинг қонуний топшириқлари ва вазифаларини ўз ваколати доирасида белгиланган муддатларда ва сифатда бажариш учун масъулдир.

3.3. Марказ:

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни талаблари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган вазирликнинг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишига;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сонли фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сонли қарорига мувофиқ топшириқлар ижроси ва ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш ва ўз вақтида ва лозим даражада бажарилишини таъминланишига;

коррупциоген омиллар ва хавф-хатарларни вужудга келишини олдини олишга;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини қонуний тартибда муддатида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишига жавоб беради.

3.4. Марказ раҳбарияти ва ходимлари ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, хизмат ваколати доирасидан четга чиққан, қонунчиликка хилоф хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

3.5. Марказ раҳбарияти ва ходимлари о‘зига ишониб топширилган моддий

қимматликлар бо‘йича моддий жавобгар ҳисобланадилар. Улар ўзлари виза қўйган ҳужжат ва берган хулосалари учун шахсан жавоб берадилар.

IV боб. Марказнинг таркибий тузилмаси ва уни бошқариш

Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази тузилмаси



*Изоҳ: Жами бошқарув ходимлари штат бирликларини сони – 25 бирлик
(хизмат кўрсатувчи ходимлар сони меъёрдан келиб чиқиб аниқланади)*

4.1. Марказ мустақил бўлмаган қуйидаги таркибий бўлимлардан иборат:
Ахборот тизимларини бошқариш ва ривожлантириш бўлими;
Ахборот-таҳлил бўлими;
Сувни тежайдиган суғориш технологияларни жорий қилишга қўмаклашиш бўлими;

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўлими;
Сувдан самарали фойдаланишни тарғиб қилиш бўлими.

4.2. Марказни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган Директор бошқаради.

4.3. Марказ директори Марказ фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирига ҳисоб беради.

4.4 Марказнинг директор ўринбосари-Ахборот тизимларини бошқариш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи Вазирлик билан келишилган ҳолда Марказ директорининг буйруғи билан вазифага тайинланади ва ундан озод қилинади.

4.5. Марказнинг бўлим бошликлари ҳамда ходимлари амалдаги тартиб-қоидалар асосида Марказ директорининг буйруғи билан вазифага тайинланади ва ундан озод қилинади.

V боб. Марказ раҳбариятининг асосий функционал мажбуриятлари

5.1. Марказ директорининг асосий функционал мажбуриятлари қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

Марказ фаолиятининг умумий бошқарувини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Вазирликнинг буйруқлари, Ҳайъат қарорлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Марказга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни талаблари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14-октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган вазирликнинг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупсияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари талабларига мувофиқ Марказда коррупсия ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш, уларни юзага келтирувчи омиллар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

Марказ фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тегишли амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари, шунингдек бошқа вазирликлар ва идоралар билан, шу жумладан халқаро ва донор ташкилотлар билан Марказ фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

Марказ директори ўринбосари, бўлим бошлиқларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Марказнинг иш фаолиятини режалаштириш, Марказ директори ўринбосари, бўлимларнинг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

штат бирликларининг белгиланган сони ҳамда харажатлар сметаси асосида Марказнинг штатлар жадвалини тасдиқлаш бўйича, шунингдек, зарурият бўлганда белгиланган тартибда уларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида вазирликка таклиф киритиш;

Марказ мулки, бино ва иншоотлари ҳамда ускуналаридан самарали фойдаланишни ташкил этиш, Марказ номидан шартномалар (келишувлар) тузиш ва ишончномалар бериш;

Марказнинг молия-хўжалик фаолияти, шартномаларнинг бажарилиши ва барча хизматлар бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш;

Марказнинг ходимлари билан қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

Марказ ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, ходимларнинг иш ҳақларига устамалар белгилаш ва уларни мукофотлаш;

Марказ ходимларининг хизмат сафарларини қонунчилик ҳужжатларига тўлиқ мос равишда ташкил этиш, хизмат сафарларини асосланган, самарали ва натижали бўлишини, хизмат сафари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Марказ ходимларининг малакасини ошириш чораларини кўриш, уларни самарали фаолият юритишлари учун зарур шароитлар яратиш;

сув хўжалиги соҳасида ахборот тизимларини бошқариш ва ривожлантириш, соҳага замонавий ахборот технологияларни татбиқ қилиш асосида сув хўжалигига доир маълумот ва ахборот ресурсларини яратиш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича амалий чораларни кўриш;

Вазирликни сув хўжалиги соҳасига оид ахборот ва таҳлилий маълумотлар билан таъминлаш, Вазирлик ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, соҳада сувдан самарали фойдаланишни тарғиб этиш бўйича амалий чораларни кўриш;

ижро интизомини мустаҳкамлаш ва ҳужжатлар ижросини ўз вақтида таъминланишини назорат қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сонли қарори билан тасдиқланган давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ ташкил этиш, шахсан қабул қилишнинг мунтазам равишда ўтказилишини таъминлаш.

Қонун ҳужжатларига кўра Марказ директориға бошқа функционал мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

5.2. Марказ директори ўринбосарининг асосий функционал мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

Марказ директори вақтинчалик бўлмаган ҳолларда тегишли буйруқ асосида Марказ директори вазифасини бажариш;

Вазирлик ҳайъати қарорлари, буйруқ ва топшириқлари, Марказнинг буйруқлари ва Марказ директорининг топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўз бўйсинувидаги бўлим ва шўбалар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Марказ ходимларини танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш, ходимларнинг касбий малакасини ва билим даражасини ошириш, уларни хизмат сафарларига

юбориш бўйича Марказ директориға таклифлар киритиш;

Марказ зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш ҳамда унинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тегишли амалий чораларни кўриш;

Вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари, шунингдек, бошқа вазирликлар ва идоралар билан, шу жумладан халқаро ва донор ташкилотлари билан Марказ фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Марказ ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, ходимларнинг иш ҳақларига устамалар белгилаш ва уларни мукофотлаш бўйича Марказ директориға таклифлар киритиш;

сув хўжалиги соҳасида ахборот тизимларини бошқариш ва ривожлантириш;

шартнома асосида сув хўжалигига доир ахборот ресурсларини, жумладан, дастурий таъминотлар, мобил иловалар, маълумотлар базалари, веб саҳифалар ва бошқаларни яратиш ҳамда уларни такомиллаштириш;

сув хўжалиги тизимининг барча бўғинларида илғор ахборот технологияларни татбиқ қилиш асосида ахборот ва маълумотлар алмашишни йўлга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда қатнашиш;

геоахборот тизимларидан фойдаланилган ҳолда сув хўжалигининг рақамли хариталар базасини яратиш ва такомиллаштириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сонли қарори билан тасдиқланган давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ ташкил этиш, шахсан қабул қилишнинг мунтазам равишда ўтказилишини таъминлаш.

Қонун ҳужжатларига кўра, Марказ директори ўринбосарига бошқа функционал мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

VI боб. Марказ фаолиятини молиялаштириш, ходимларини меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

6.1. Марказнинг фаолиятини молиялаштириш ва ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш давлат бюджети маблағлари, Вазирлик ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

6.2. Марказ ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалардан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

6.3. Марказ ходимларига иш ҳақи, мукофотлар, лавозим маошларига ҳар ойда қўшиладиган рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган қўшимча ҳақлар ва

устамалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17-сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига доир айрим қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида”ги 573-сонли қарори талаблари асосида тўланади.

6.4. Марказнинг даромадлари қонун ҳужжатларига зид бўлмаган манбалар ҳисобидан шакллантирилади. Хўжалик фаолиятидан тушган соф фойда Марказнинг ихтиёрида қолади ва уни олиб қўйилишига йўл қўйилмайди.

6.5. Марказ ўзининг ходимларига юридик ва жисмоний шахслар, ташкилот ва идоралар, халқаро ва донор ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида хизмат кўрсатишдан тушган маблағлар ва олинган даромадлар ҳисобидан белгиланган тартибда, уларни мукофотлаши ва моддий рағбатлантириши мумкин.

VII боб. Марказнинг мулки, ҳисоб-китобларни юритиш ва ҳисобот бериш

7.1. Марказга бириктирилган ва унинг оператив бошқарувида бўлган мулк, бино ва иншоотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки ҳисобланади.

7.2. Марказнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвали Вазирлик томонидан тасдиқланади.

7.3. Марказ унга фойдаланиш учун берилган мулкни, бино ва иншоотларни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этади.

7.4. Марказ шартномаларни танлаш, шартномавий мажбуриятларни белгилаш ва бошқа хўжалик муносабатларни амалга оширишда эркин фаолият юритади.

7.5. Марказ хўжалик шартномалари тузиш орқали грант лойиҳаларида маслаҳат ва техник кўмаклашиш ишларини бажаришга ҳақлидир.

7.6. Марказ турли жамғармалар, шу жумладан халқаро ва донор ташкилотлар томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар танлови ва уларни бажаришда мустақил муассаса сифатида қатнашади, ўзи бажарган лойиҳалар натижалари бўйича Вазирликка ва буюртмачи ташкилотга ҳисобот беради.

VIII боб. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторлари

8.1. Марказ фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланиши лозим.

8.2. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Вазирликнинг тегишли комплекси раҳбари томонидан тасдиқланган Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторлари асосида амалга оширилади.

8.3. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш натижалари асосида:

Марказнинг раҳбарлари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва Марказ фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

IX боб. Марказнинг халқаро ҳамкорлиги

9.1. Марказ Вазирликка унинг сув масалалари бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар ва лойиҳаларнинг фаолиятидаги иштирокида амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ўзининг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш учун халқаро, минтақавий ва чет эл ташкилотлари, донорлар ва лойиҳалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва шу мақсадда:

улар билан ёзишмалар ва музокаралар олиб бориш, учрашувларни ташкил этишда ва ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш;

сув хўжалиги соҳасига уларнинг молиявий ва техник кўмагини жалб этишда амалий ёрдам кўрсатиш;

улар билан ҳамкорликда сув хўжалиги масалалари бўйича тренинг, ўқув курслар, семинар, конференция ва шу каби тадбирларни ташкил этиш ҳамда улар томонидан ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш;

сув хўжалиги соҳасида улар билан турли тадқиқот ва изланишларни олиб бориш, ҳамкорликда лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш ва лойиҳаларни амалга ошириш, уларнинг лойиҳаларида қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

9.2. Марказ Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган бошқа ташқи фаолиятларни ҳам амалга ошириши мумкин.

X боб. Марказнинг ҳисобдорлиги

10.1. Марказ ўз фаолиятининг натижалари юзасидан Вазирликка мунтазам ҳисобот беради.

10.2. Ҳар йили йил якунлари бўйича ташкил қилинадиган йиғилишларда Марказ фаолияти самарадорлигининг натижалари тўғрисидаги Марказнинг ҳисоботи эшитилади.

XI боб. Якунловчи қоида

11.1. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.